

ШАРТНОМА

Фарғона шаҳри.

52 - сонли

2022 йил “05” 01

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бошқарма бошлиғи Б.И.Мирзакамалов (кейинги ўринларда “**Ижрочи**” деб юритилади), бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи Фарғона вилояти ҳокими Аппаратининг Ишлар бошқарувчиси А.Сарбоев (кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “**Томонлар**” деб юритилади, мазкур Шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартноманинг предмети

1.“Ижрочи” Миллий гвардия кўриқлаш хизмати харбийлаштирилган соқчи-назоратчи кўринишида техник қўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТҚП) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг кириш-чиқиш эшиги олдида қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. “Буюртмачи” Фарғона шаҳар Юксалиш кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоят Халқ қабулхонаси биносига фуқаролар ва ходимларни кириб-чиқишини назорат қилиш учун асосий кириш-чиқиш эшиги олдида дам олиш кунисиз ҳар куни (соат 09:00 дан 09:00 га қадар) 1 та 24 (йигирма тўрт) соатлик харбийлаштирилган соқчи-назоратчи пости ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармаси Фарғона шаҳар Кўриқлаш бўлими томонидан қўриққа олиш учун, (кейинги ўринларда объект деб юритилади) “Ижрочи”га топширади ва “Ижрочи” қабул қиласди.

3.Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлар, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4.Объектдаги кириш-чиқиш, ички обьект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички обьект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқсан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнгиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итларидан фойдаланиш мумкин.

7.Мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб, обьектда ____ иш куни ичидаги Миллий гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади. Объектда харбийлаштирилган соқчи-назоратчи қўриқлаш тури обьектга ____ кунига иш куни ичидаги йўлга қўйилади.

8.Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармагандаги Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб.Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуидагича ҳисобланади:

Пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига: 23 543 960 (йигирма уч миллион беш кирқ уч минг тўққиз юз олтимиш) сўм, 3 ойга: 70 631 880 (етмиш миллион олти юз ўттиз би, минг саккиз юз саксон сўм) сўм,

Ижрочи балансида турган соқчи итни сақлаш учун ойига _____
сўм, 3 ойга _____
сўм,

10. Ўзаро тасдиқланган смета ҳисоби ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ижрочи хизматлари учун тўловларга қонун хужжатларига мувофиқ ҳолларда ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир ва Буюртмачи тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Миллий гврадия Кўмонидон томонидан тасдиқланган тарифлари асосида тасдиқланган кундан бошлаб тўловларни амалга ошириши шарт.

11. Буюртмачи ҳар ойнинг 25 санасига қадар кўрсатилган хизмат учун тўлов суммасининг 100% миқдоридаги пулни Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичida аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12.Хўжалик юритувчи обьект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловни) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қуйидаги хукуқларга эга:

Ижроидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар қўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2022 йил “_____” даги кўздан кечириш далолатномасига асосан, қўриқлашга топшириладиган обьектни алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан-қўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнғиндан ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни обьект худудининг девор тўсигидан 15 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш қўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу хақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмиглаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ва янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк хукукини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши хақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 10 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу хақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик хақида ТКПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганинига хақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентеляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларнинг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қўриқланадиган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзолangan ҳолда қўриқлашга топшириш;

маҳсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги хақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунинг қадар кўрсатилган жойларнинг даҳлесизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

Буюртмачи дам олиш ва байрам олди кунлари ҳамда дам олиш ва байрам кунлари объектни қўриқлашни ўз зиммасига олади.

15. Ижрочининг хукуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўрикланаётган худуддаги, лекин бинодан ташқаридан жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чикиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат килиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриклиш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриклиш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганини аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг даҳлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриклиш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриклиш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриклишга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳамлик бўйича ва қўриклишнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар хақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриклишнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриклиш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликлар бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу хақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар қўриш учун бериш;

қўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия қўриклиш хизмати навбатчилик қисмига, худудий ички ишлар органлари навбатчилик қисмига ҳамда буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия ва ички ишлар органи вакили етиб келгунига қадар ходиса юз берган жойни даҳлсизлигини таъминлаш.

Ижрочи дам олиш ва байрам олди кунлари ҳамда дам олиш ва байрам кунлари объектни қўриклишига жавобгар ҳисбланмайди.

5-боб.Томонларнинг жавобгарлиги

17.Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўлмаганилиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18.Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

19.Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20.Ижрочи мазкур Шартнома кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

Ижрочининг айби билан етказилган заарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузулиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи заарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етазилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул килиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23.Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда заарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб.Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқлади.

7-боб.Форс-можор

25.Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-можор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичиде ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичиде хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга хақли эмас.

Форс-можор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирилаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктириллади. Агарда форс-можор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга хақли.

8-боб. Яқуний қоидалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилиари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда хақиқийдир.

Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бюджет қилиш хақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олинганида кейингина ёки ўтгиз кунлик муддатда жавоб олмагандан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бюджет қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати куйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблаглари олувчилари бўйича-белгиланган тартибда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш хақида Ижрочи Шартнома муддати тугашидан 60 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларга узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида обьектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч ой давомида мазкур Шартноманинг 11-бандида қўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи томонидан белгиланган муддатларда янгитдан тасдиқланган тарифлар асосида тақдим этилган смета хисобларини тасдиқлашдан бош тортса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равища огохлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга хақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равища огохлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга хақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равища маълум қиласи.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб, Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ хукуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

36. Мазкур шартнома тасдиқлангандан сўнг, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармаси ўртасида тузилган «_____» 20 _____ йил кунги _____-сонли шартнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

“ИЖРОЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Фарғона вилояти Кўриқлаш
бошқармаси

Юридик манзили: Фарғона шаҳар Оқсув
кўчаси 4-үй

Банк реквизитлари:
21596000900210137001

МФО-00026

СТИР: 200146674

ИФУТ: 80200

Банк: Фарғона вилояти Марказий банк
Бош бошқармаси



«БУЮРТМАЧИ»



“ИЖРОЧИ”

Бошқарма бошлиғи



Б.И.Мирзакамалов



“БУЮРТМАЧИ ”

Фарғона вилоят ҳокими Аппаратининг
Ишлар бошқарувчиси

А.Сарбоев

20.11.2012
Б.И.Мирзакамалов

Ишоатни кўрикаши учун " " 2021 и
тўйиган _____ сонли партнома иловга

**Фарғона вилояти Кўриқлаш бошкармаси томонидан кирип-чишини назорат килиш учун олинган
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилояти Халқ қабулхонасининг " " 2021 йил куни**

СМЕТА ХИСОБИ

№	Кўрикка олиналигани объектлар номи	Манзили	Кўриқлаш соати			Бир ойлик кўриқлаш соати	Кўриқлаш учун лозим бўлган сумма
			Кўриқлаш тури	Иш куни	Дам олиш ва байрам олди кунлари		
1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилояти Ҳалқ қабулхонаси биноси ва асосий кириш жойи ва ички худуди	Фарғона шахар Юксалиш кўчаси	Харбийлашган сокчи- назоратчи	24	24	730	32 252
	Жами						23543960

23 543 960 (шигирда уч милион беш юз кирк уч минг тўқказ юз олтиними) сўм,

**Фарғона вилояти Кўриқлаш бошкармаси
бошлиги подполковник**

Б.И.Мирзакамалов




Фарғона вилояти хокимлиги Ишлар
бошкарувчиси

A.Сарбоев

**Фарғона вилояти Кўриқлаш бошкармаси
МИБ бошлиги капит лейтенант**

Бош хисобчиси



" " 2021 йил